

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2022 йил 19 декабрь куни жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи Б.Эргашев, судья ёрдамчиси М.Исмоналиевнинг котиблигида, тарафлардан туман прокурори катта ёрдамчиси Р.Умаров, ҳимоячи А.Хикматиллаев, жабрланувчи Х.Умарова ва судланувчи А.Умаровларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айбланган

Умаров Алишер Рузиматович, 1984 йил 31 августда Олтиариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оиласи билан ажрашган, бир нафар фарзанди бор, судланмаган, ишламайди, Олтиариқ тумани, “Қувирбоши” МФЙ, Б.Машраб кўчаси, 19-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 28 ноябрда олганга

оид 1-1514-2201/523-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов ва суд мажлисида тўпланган далилларга ҳар томонлама, тўла ва атрофлича баҳо бериб, тарафлар фикрини муҳокама қилиб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Умаров фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судининг 2019 йил 20 декабрдаги суд буйруғига асосан бир нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун Х.Умарова фойдасига ойлик даромадининг 1/4 қисми миқдорида алимент маблағини тўлаши белгиланган бўлиб, суднинг 2021 йил 10 декабрдаги қарорига кўра, МЖтКнинг 47<sup>4</sup>-моддаси билан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин 2021 йилнинг декабрь ойидан 2022 йил 1 ноябрь кунига қадар 8 ой давомида 6.196.804 сўм алимент маблағини тўлашдан бўйин товлаган.

Судда судланувчи А.Умаров айбига тўлиқ иқrorлик билдириб, 2011 йилда Х.Умарова билан турмуш қургани, турмуши давомида 2013 йилда Умарова Жамилахон Алишер кизи исмли фарзанди туғилгани, 2018 йилда турмуш ўртоғи Х.Умарова билан оилавий келишмовчилик сабабли ажрашиб кетгани, сўнг турмуш ўртоғининг аризасига асосан фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судининг суд буйруғига асосан бир нафар фарзанди учун алимент маблағи ундириш белгилангани, лекин 14.612.620 сўм алимент маблағини тўламагани учун суднинг 2021 йил 10 декабрдаги қарорига кўра, МЖтКнинг 47<sup>4</sup>-моддаси билан 15 сутка маъмурий қamoқ жазосини ўтаб чиққани, шундан сўнг ҳам ижрочилар алимент пулини тўлаши ҳақида бир неча маротаба огоҳлантиргани, ҳар замонда Х.Умаровага алимент маблағини қисман тўлаб келгани, лекин оилавий шароити оғирлиги ва ҳеч қаерда ишламаганлиги сабабли шу кунга қадар жами 6.196.804 сўм алимент пулини тўламасдан келгани, ҳозирда ушбу қарздорликни тўлашга имконияти йўқлиги,



қилмишидан пушаймонлиги ва оилавий шароити оғирлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи А.Умаровнинг айби ўзининг судда қилмишига иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, суд мажлисида текширилган қуйидаги далиллар билан:

жабрланувчи Х.Умаровнинг судда, 2011 йилда А.Умаров билан турмуш қургани, турумши давомида 2013 йилда Умарова Жамилахон Алишер қизи исмли фарзанди туғилгани, 2018 йилда турмуш ўртоғи А.Умаров билан оилавий келишмовчилик сабабли ажрашиб кетгани, сўнг уни аризасига асосан фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судининг 2019 йил 20 декабрдаги суд буйруғига асосан А.Умаровдан фойдасига бир нафар фарзанди учун 1/4 қисми миқдорида алимент маблағи ундириш белгилангани, лекин А.Умаров 14.612.620 сўм алимент маблағини тўламагани учун 15 сутка маъмурий қамоқ жазосига тортилгани, шундан сўнг ҳам уни ижрочилар алимент пулини тўлаши ҳақида бир неча маротаба огоҳлантирган бўлса-да, шу кунга қадар қисман алимент маблағини тўлаб, жами 6.196.804 сўм алимент маблағини тўламасдан келгани, шу сабабли А.Умаровдан алимент маблағини ундириб бериб, унга қонуний чора кўришни сўрашлиги ҳақидаги;

гувоҳ М.Облабердиевнинг судда, Мажбурий ижро бюросининг Олтиариқ туман бўлими давлат ижрочиси лавозимида ишлаб келиши, фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судининг 2019 йил 20 декабрдаги суд буйруғига асосан А.Умаровдан собиқ турмуш ўртоғи Х.Умарова фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадининг 1/4 қисми миқдорида алимент маблағини ундириш белгилангани, лекин А.Умаров ҳеч қаерда ишламасдан, алимент маблағини тўлашдан бўйин товлагани учун суднинг 2021 йил 10 декабрдаги қарорига кўра, МЖТКнинг 47<sup>4</sup>-моддаси билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазосига тортилгани, шундан сўнг А.Умаров бир неча маротаба қарздорликни ўз вақтида тўлаб бориши ҳақида огоҳлантиргани, шунда у ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, шу кунга қадар қисман алимент маблағини тўлаб, 2021 йилнинг декабрь ойидан 2022 йил ноябрь ойига қадар 8 ой давомида 6.196.804 сўм алимент маблағини тўлашдан бўйин товлагани, шунга кўра унга нисбатан ижро хужжати бўйича тўпланган хужжатлар чора кўриш учун расмийлаштирилгани ҳақидаги кўрсатувлари;

шунингдек ишдаги мавжуд ариза, суд буйруғи, суд қарори, ижро хужжатлари, алимент қарзини ҳисоблаш жадвали ҳамда бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Умаровнинг суд буйруғига асосан моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган бир нафар фарзанди учун 1/4 қисми миқдорида алимент маблағини тўлаши лозим бўлса-да, маъмурий жазо қўлланилганидан кейин икки ойдан ортиқ муддат мобайнида алимент маблағини тўлашдан бўйин товланганликдаги ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик,



инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиши, 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд судланувчи А.Умаровга жазо тайинлашда, унинг шахси, қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароити, етказилган зарар қопланмагани ва жабрланувчининг чора кўриш ҳақидаги талабини инобатга олиб, модда санкциясида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топди.

Шунингдек суд, етказилган зарар масаласи ва прокурорнинг даъво аризасини муҳокама қилиб, даъво аризани қаноатлантириш ва судланувчи А.Умаровдан жабрланувчи Х.Умаровага 6.196.804 сўм зарарни ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454, 456-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб,

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Умаров Алишер Рузиматович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

А.Умаровга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан 1 (бир) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2022 йил 19 декабрдан бошлаб ҳисобланиб, жазо манзил-колонияларда ўтаттирилсин.

А.Умаровга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, суд залидан қамоққа олинсин.

Прокурорнинг даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Судланувчи А.Умаровдан жабрланувчи Х.Умаровага 6.196.804 сўм зарар ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ва жабрланувчи ҳукмнинг кўчирма нусхасини олгандан кундан бошлаб, йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция шикоятни ёки протести беришлари мумкин.

Раислик қилувчи

/имзо/

Б.Эргашев

Ҳукмнинг кўчирма нусхаси аслига тўғри,  
туман судининг раиси

Б.Эргашев



**Маъсул судья: Эргашев Бехзод Хурсанович**



Хужжат имзоланган: Эргашев Бехзод Хурсанович, 09.02.2023

